

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
БАҲОЛАШТИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.

**Жураев Хусан Атамуратович**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети  
Молия ва туризм кафедраси мудири и.ф.ф.д Phd

**Чориева Феруза Даминовна**

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети 2- босқич магистранти

**Аннотация:** Мақолада солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш сиёсати, инвестицияларни жалб этишда солиқ имтиёзларининг ўрни, самарасиз имтиёзлар, солиқ имтиёзлари мониторинги, солиқ имтиёзларини мамлакат иқтисодиётини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар берилган

**Калит сўзлар:** Солиқ, инвестицион сиёсат, имтиёз, иқтисодий ўсиш, мониторинг, самарадорлик, харажат

**Аннотация:** В статье рассмотрен зарубежный опыт использования налоговых льгот, политика их применения, роль налоговых льгот в привлечении инвестиций. Также обсуждаются вопросы неэффективных льгот, мониторинга налоговых льгот и представлены предложения и рекомендации по совершенствованию экономики страны через использование налоговых льгот.

**Ключевые слова:** Налоги, инвестиционная политика, льготы, экономический рост, мониторинг, эффективность, расходы

**Annotation:** The article examines international experience in the use of tax incentives, policies for their application, and the role of tax incentives in attracting investments. Issues related to ineffective incentives, monitoring of tax incentives, as well as proposals and recommendations for improving the country's economy through the use of tax incentives, are also discussed.

**Keywords:** Taxes, investment policy, incentives, economic growth, monitoring, efficiency, expenses

Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида солиқ имтиёзлари давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Солиқ имтиёзларидан иқтисодий инқирозларни оқибатларини бартараф этиш ва ижобий бозор ташқи таъсирини яратиш учун инвестицияларни рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Имтиёзлар ёрдамида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион ва инновацион фаоллик даражасини тартибга солиш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичларини ошириш мумкин. Ҳукумат давлат ва хорижий инвестицияларни, инновацияларни рағбатлантириш ва солиқ сарфлари миқдорини тартибга солиш учун инвестиция муҳитини яхшилашдаги ролини ҳисобга олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармонида “имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу

жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги тизимли муаммоларни бартараф этиш вазифаси белгиланган.

“Солиқ имтиёзлари саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг машхур сиёсат воситасига айланди. Улар ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхона харажатлари ҳажмига ёки ўсишига қараб солиқ юқини камайтиришни таклиф қиладилар. Ушбу воситанинг машхурлиги шундаки, амалдаги солиқ тизимидан фойдаланиш жуда осон, бу ҳокимият ва корхоналар томонидан қўшимча маъмурий харажатлар камлигини англатади”<sup>1</sup>.

Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги тўғрисида аниқ ва тўғри маълумот олиш учун хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатлар сонининг кўпайиши тижорат ташкилотларига илмий -тадқиқот ишларини олиб бориш учун солиқ имтиёзлари берганидан далолат беради. Масалан, 1995 йилда атиги 12 давлат солиқ имтиёзларини берган, 2004 йилда - аллақачон 18 давлат, 2015 йилда эса мамлакатлар сони 26 давлатга ошган.<sup>2</sup>

Солиқ имтиёзлари, шунингдек, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Сингапур ва Жанубий Африкани ўз ичига ОЭСДга аъзо бўлмаган давлатлар томонидан тақдим этилади. Ишлаб чиқариши соҳасида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш корхонага тегишли иш ҳажмига ёки кўпайишига қараб солиқ юқини камайтиришга имкон беради. Солиқ имтиёзлари - бу ҳукуматнинг грантлар ёки шартномалар орқали бизнес, тадқиқот ва ишланмаларни тўғридан-тўғри молиялаштиришидан фарқли ўлароқ, саноатни қўллаб-қувватлашнинг билвосита воситасидир. Саноат солиқ имтиёзлари ҳисобидан давлат томонидан молиялаштириш миқдори катта ва тўғридан-тўғри молиялаштиришга тенг бўлиши мумкин. Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Дания, Франция, Ирландия, Япония, Корея ва Нидерландия каби мамлакатларда солиқ имтиёзлари орқали билвосита қўллаб-қувватлаш тўғридан-тўғри молиялаштириш манбаларидан ошиб кетади. Саноатни давлат томонидан ҳар қандай қўллаб -қувватлашда бўлгани каби, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ имтиёзларининг асосий иқтисодий асоси - тарқалишларнинг мавжудлигидир. Солиқ имтиёзларининг имтиёзлилик даражаси асосан солиқ имтиёзлари қийматини белгилайдиган солиқ тизимининг элементи ҳисобланади. Жаҳон амалиётида у имтиёзли тартиб даражасини белгиловчи иккита асосий элементни ажратиб кўрсатди: чегириб ташлаш мумкин бўлган харажатлар фоизи ва декларация қилиниши мумкин бўлган солиқ имтиёзларининг максимал миқдори. Бундан ташқари, солиқ имтиёзлари тизими фирма, тадқиқот ва ишлаб чиқиш, технология, минтақа ёки сектор турига кўра имтиёзлар даражасини фарқлаши мумкин. Саноат ишлаб чиқариши учун солиқ имтиёзларини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда муҳим саволлар куйидагилардан иборат. Солиқ имтиёзлари бўйича, солиқ солинадиган даромаддан чегириб ташланиши мумкин бўлган илмий-тадқиқот харажатлари мультипликаторини аниқлаш керак (масалан, 130%).

<sup>1</sup> Tax Expenditures in OECD Countries OECD. 2010. / The official website of OECD // – Текст : электронный. – URL: <http://www.sourceoecd.org/taxation> (дата обращения: 26.10.2017).

<sup>2</sup> Rossiya Federatsiyasi Iqtisodiy rivojlanish vazirligining rasmiy veb-sayti / Rossiya Federatsiyasi Iqtisodiy rivojlanish vazirligi. – URL: <http://www.economy.gov.ru> (kirish sanasi: 07/13/2017).

Буюк Британиядаги фирмалар). Иккинчи компонент бир йилда талаб қилиниши мумкин бўлган солиқ имтиёзларининг максимал миқдорига тааллуқлидир. Танланган «чегара» даражаси солиқ имтиёзларини баҳолашда марказий масала ҳисобланади. Иккала ўлчов ҳам чегаралар орқали боғланиши мумкин. Аксарият ҳолларда битта ташкилот чегарадан паст бўлган битта қийматни ҳисобга олиши мумкин бўлса, баъзи мамлакатларда бу чегара фоиз ставкасининг ўзгаришини билдиради. Бундай комбинацияга мисол Франция бўлиб, бу ерда фоиз ставкаси 100 млн еуродан 30% паст ва 5% юқоридир.

Германия, Финляндия ва Швеция Ар-ГЕ учун солиқ имтиёзларини таклиф қилмасада, Франция ва Испания жуда сахий схемаларга амал қилишади. Кичик бизнесни рағбатлантирувчи мамлакатлар кам (Канада, Голландия, Буюк Британия ва Япония). Шу билан бирга, Буюк Британия, Канада, Япония каби давлатлар кичик бизнеснинг ривожланишини рағбатлантириш сиёсатини нафақат Ар-ГЕ каби воситалар, балки соддалаштирилган молиявий -кредит сиёсати орқали ҳам олиб бормоқда.

Ўрганишлар натижасида хориж мамлакатларида солиқ имтиёзларининг самарадорлиги турлича бўлиб, самарасиз имтиёзларнинг улуши юқорилиги қуйидаги жадвалда баён қилинган (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

Хориж давлатларида солиқ имтиёзларининг самарадорлиги кўрсаткичларининг таққосламаси<sup>3</sup>

Т/Р	Кўрсаткичлар	Буюк Британия		Германия		Франция	
		сони	фоиз	сони	фоиз	сони	фоиз
1.	Баҳоланган солиқ имтиёзлари, жами	155	100,0	20	100,0	385	100,0
2.	Самарали солиқ имтиёзлари	54	34,8	5	25,0	72	18,7
3.	Етарлича самарали эмас деб тан олинган имтиёзлари	54	34,8	10	50,0	171	44,4
4.	Самарасиз солиқ имтиёзлари	47	30,2	5	25,0	142	36,9

1.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Буюк Британия, Германия ва Франция давлатларида ўрганилган солиқ имтиёзларининг мос равишда 34,8, 25,0 ва 18,7 фоизи самарали имтиёзлар деб тан олинган. Бу давлатларда берилган солиқ имтиёзларининг мос равишда 30,2, 25,0 ва 36,9 фоизи самарасиз эканлигини қайд этиш лозим. Самарасиз солиқ имтиёзларининг кўплиги жиҳатидан Франция ажралиб турибди.

Солиқ имтиёзларининг таъсири биринчи навбатда бюджет даромадларида акс этади. Чунки мамлакатда бюджет томонидан амалга ошириладиган барча харажатлар қопланиши давлат бюджетига тушадиган солиқ тушумларига асосланади. Шунинг

<sup>3</sup> Сравнение эффективности налоговых льгот в индустриально развитых странах <http://council.gov.ru/media/files/41d4df1fc7427347f5a7.pdf>. 02.10.2021.

учун бугунги кунда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ва унинг берилиши аниқ асослангилган бўлиши лозим.

Юқоридаги баълуотлардан хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, агар ривожланган давлатлар тажрибасига суянган ҳолда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилиб, улар меъёрий ҳужжатлар асосида мустақамланиб, солиқ имтиёзлари ўз ўрнида ва белгиланган муддатларда бериладиган бўлса, улар ўз самарадорлигини кўрсата олади. Самарасиз солиқ имтиёзлари бюджет тақчилигига ва соғлом рақобат муҳитига ўз таъсирини кўрсайиб, иқтисодиётнинг ўз ўрнидан силжишига салбий таъсир қилади.

